*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

# Хабар

XABAR

خبر

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри**

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 25 сентябрь № 38 (318) ● Сотувда нархи эркин

## САМАРАДОРЛИКНИ ҲАМКОРЛИКДА ОШИРАЙЛИК

Истеъдодли ёшларни саралаб олиш олий мактаб тизимидаги мураккаб жараёнлардан биридир. Эски, анъанавий танлов усулидан ташқари тест усулида ўта қобилиятлиларни анча барвақт аниқлаш ғарб мамлакатларида кенг қўлланади. Бундай жараён ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўғри баҳолаш, бўлажак касб-корини аниқроқ белгилаш каби бир қатор имкониятларни туғдиради. Бу эса ўз навбатида ўқувчи ҳамда талабаларнинг ўқиш даврида билимга чанқоқлиги қай йўналишда ривожланяпти, савиясида қандай ўзгаришлар рўй беряпти, бу жараёнда қандай хатоликлар содир бўляпти, уни қандай йўллар билан тўғрилаш мумкин деган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Бундай маълумотлар ЭҲМ хотирасида йиғилади ва ҳар бир мутахассиснинг келажак имкониятларини олдиндан тўғри кўра билишга ёрдам беради. Шундай саралаш усули жамият тараққиётининг энг зарур соҳаларида етакчи мутахассисларни кўпроқ тайёрлашда қўл келиши мумкин. Албатта бу жараён телекоммуникация технологиясидан унумли фойдаланишга ва янги техника самарадорлигини орттиришга ҳамда унинг устунлигидан тўғри фойдаланишга олиб келади.

Инсоннинг ўзлаштирган билимларни эслаб қолиш қобилияти чегараланган. Институтни тугатган мутахассислар 5 йилдан кейин олган билимларининг атиги 20 фоизини эслаб қоладилар. Агарда у институтни зўрға уч баҳога тугаллаган бўлса, 2-3 йилдан сўнг бор билимлари ҳам унутилиб кетиши муқаррар. Шу сабабдан билимни мунтазам ва маълум даражада ошириб бориш зарур.

Шу ўринда яна бошқа бир масалани ҳам кўзда тутиш лозим. Ҳар 3-4 йил ичида алоқа техникасининг муайян тури эскириб боради ёки амалдаги техника ўрнига такомиллашган муқобили бунёдга келади ва ишлаб чиқаришга жорий этилади. Янги техника амалда қўлланилаётганлари билан бемалол рақобатлаша олади ҳамда кўп хусусиятлари билан улардан анча устун келади.

Агентлик радиотехника ва алоқа жамияти билан биргаликда замонавий телекоммуникация тизимларининг самарадорлигини орттириш муаммосига бағишланган семинар кенгаш ўтказди.

Семинарда соҳадаги мавжуд замонавий алоқа тизимлари, уларни ўрнатишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, хорижий техникани тўғри танлаш, уларни тармоқдаги тизимлар билан улашдаги қийинчиликлар ҳақида фикрлашилди.

Шу боисдан ҳам ҳар бир алоқа иншооти лойиҳаолди изланиш натижаларига қараб тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиши (лойиҳа шу алоқа тизимини татбиқ этишда олинадиган наф белгиланган муддатда ортиғи билан бажарилмоғига асосланган бўлиши керак) шарт. Хорижий фирмалар ўз лойиҳаларида амалдаги баъзи телекоммуникация тизимларини асоссиз чиқариб ташламоғига чек қўйиб, соҳамиз оладиган даромад салмоғи биринчи ўринда бўлишига эришмоқ керак. Кўпинча тармоққа киритилаётган янги тизимларни нормал ҳолатда ишлатиш учун зарур бўлган ўлчов-бошқарув асбобларини тўлиқ сотиб олишда қаршиликлар учрайди ёки шулар ҳисобига олинаётган тизимнинг нархини арзонлаштиришга уринишлар бўлади. Бунинг оқибати техникани ишлатиш самарадорлигининг пасайиб кетишига олиб келади. Унинг олдини олиш учун эса ҳар бир хорижий шартнома асосини етарли даражада ишлаб чиқилган бизнес-план ташкил этмоғи лозим.

Вилоятларда фирма мутахассислари билан биргаликда иш жараёнларида пайдо бўлган барча қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўллари ва усуллари ҳақида варақалар чиқариб, жойларда тарқатиш лозим.

Вилоят алоқа тармоғи мутахассислари хорижий телекоммуникация тизимларини лойиҳалаш, ўрнатиш, тармоққа улаш босқичларида фаол қатнашишлари ва фойдаланишга топшириш жараёнларида янги тармоқ эгаси сифатида синчиклаб текшириб, қабул қилиб олишлари лозим.

Кенгашда тармоқдаги янги ва эски алоқа техникасини ўзаро улаш муаммолари, сигналлар алмашиш жараёни, сигналларни бехато узатиш масаласи, абонентларни улашдаги хатоликлар сонини кескин камайтириш йўллари, абонентлар билан ҳисоб-китобдаги пуллар миқдори тўғрисидаги ахборотларни манзилга тўғри етказиш каби бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Кенгашда кўрилган масалалар моҳиятига ҳам аҳамият берилди. Техника самарадорлигини ошириш усуллари кўп, шулардан қайси бири бизни кўпроқ қизиқтиради, қайсиниси асосга олиниши мумкин — шу каби масалалар ечимини кутмоқда.

Янги телекоммуникация технологиясининг тармоққа кириб келиши қандай натижаларга олиб келди: соҳа даромади ошдими, айрим йўналишларда фойда кўпроқ олиндими, алоқа сифати ортдими, кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайдими, электр қуввати истеъмоли ёки эгалланган жой ҳажми камайдими — шунга ўхшаш муаммолар таҳлил қилинмоғи лозим.

Бундай муаммоларнинг ечими ижодий фикрлаш қобилиятига эга мутахассислар доирасида, илмий-техникавий радиотехника, электротехника ва алоқа жамиятининг агентлик билан ҳамкорликдаги фаолияти натижасида топилиши мумкин.

***Мажидулла ОРИПОВ,***
***Тошкент электротехника Алоқа институти проректори, профессор***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.**

● Тошкентда «Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни ҳамкорликда ҳал қилиш йўллари» мазуида халқаро семинар бошланди. У Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) котибияти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилди.

**● Ўзбекистон-Италия ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўзаро геоиқтисодий ва геосиёсий таъсири» мавзуидаги тўрт кун давом этган халқаро конференция якунланди.**

● Ўзбекистон Бадиий академиясида Япониянинг таниқли тадқиқотчи олими, мусаввир, Токио университетининг профессори Икуо Хираямага академиянинг хорижий аъзоси дипломини топшириш маросими бўлди.

**● 26 сентябрга қадар Чирчиқда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШнинг Атлантика қўмондонлиги ва Марказий Осиё батальони қўшинлари иштирокида йилнинг энг асосий ҳарбий машғулотлари бўлиб ўтади. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад минтақавий ҳамкорликни ва НАТО билан ҳарбий машғулотлардаги иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳаракатларни янада яхшилашдир.**

● Туркманистон Президенти мамлакат мудофаа вазири ва қатор олий тоифадаги зобитларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатди. Уларнинг айримлари ҳарбий унвонларидан ҳам маҳрум бўлишди. Ушбу қарор яқинда амалга оширилган террорчилик ҳаракатини текшириш натижасида қабул қилинди.

**● Россия — Украина музокаралари якунларига кўра Россия ва Украина Президентлари Борис Ельцин ва Леонид Кучма ўз ҳукуматларига яқин вақт ичида инқирозга қарши Россия — Украина гуруҳини ташкил этиш вазифасини топширди.**

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти котибияти биносида «Олти плюс икки» деб номланган гуруҳнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув иштирокчилари Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатини жангу жадал ва хунрезликларга батамом барҳам бериб, музокараларни бошлашга чақирди.

**● Испаниянинг Сан-Себастян шаҳрида халқаро кинофестиваль бошланди. Кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар ўн кун давомида турли мамлакатларда суратга туширилган 200 га яқин асарни томоша қиладилар.**




## ЭЪЛОН!

***Ҳурматли муштарийлар! «ХАБАР» газетасига 1999 йил учун обуна бошланди. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин. Севимли газетангизга ўз вақтида обуна бўлишга шошилинг!***

*• Тил — халқ қалби*

# «КЎРМАСМУСИЗ?..»

Ривоят қилишларича, бир кўр билан бир ланг, яъни икки ёрти-бир бутун бўлиб, баҳамжиҳат мурод-мақсад манзили томон юра-юра, кўҳна Хоразмдаги қадимий шаҳарлардан бири — Гўрланг, яъни ҳозирги Гурланни бунёд этишган экан (эътиборингиз учун, Хоразмда ва умуман, туркий тилимизнинг ўғиз лаҳжасида сўз бошидаги «к» товуши «г» тарзида талаффуз этиладики, «Гўрдим икки пари галар» деб бошланувчи машҳур Хоразм халқ қўшиғи бунинг яққол мисолидир). Ўзининг кўҳналиги ва кўламдорлигига кўра «Алпомиш» достонидан қолишмайдиган яна бир қаҳрамонлик эпосимиз — «Гўрўғли» туркий халқларнинг қарийб ярмида «Кўрўғли» деб аталадики, бу ном ҳам қадимийликда «Гўрўғли»дан қолишмайди. «Қўшнинг кўр бўлса — кўзингни қис, қўшнинг зўр бўлса...» деган истеҳзоли мақол эса, худо билади қанчалик қадимий экан!

Демоқчиманки, қадим туркий сўз ўзаклардан яна бири «кўр»дир. Бу ерда аниқ-тиниқ кўришимиз мумкинки, худди «қуймоқ» феълининг ўзаги «қуй», «уймоқ» феълининг ўзаги «уй» («ризқ-рўз уйиладиган жой» маъносидаги от) бўлганидек, «кўрмоқ» феълининг ўзаги феълнинг буйруқ шаклигина эмас, айни чоғда, от ва сифат вазифасида ҳам келиб, бир йўла уч маънони ифодалай олади. Тағин такрорлайман: аския, туюқ ва латифадек буюк санъатлар ўсиб-унган замин — она тилимизнинг ожизлиги эмас, аксинча, бемисл ифода қудрати бу! «Кўр» ўзагидан ясалган ҳар бир феъл ҳам камида икки-уч маънони ўзида ташийди. Масалан, сўз ва маъно қадрини яхши билган ота-боболаримиз «кўрмасмусиз?» дер эканлар, одатда сўзни шундай ўйнатганларки, бу ўйноқи сўзда «кўрмаяпсизми» деган маънодан ташқари «кўр эмасмисиз?» деган маъно ҳам зимдан англашилиб турган. Жаҳоннинг энг тараққий этган халқлари орасида кенг тарқалган «сўз ўйини» (яъни русча айтганда, «игра слов») санъати мана шу-да ахир!

«Кўр» ўзагидан ҳосил бўлган «кўркам», «кўримли», «кўримсиз», «кўрмаганнинг кўргани», «кўрмадик», «кўрса кўргудек», «кўрсатма», «кўргилик» каби беҳисоб сифатлар ва отларнинг ҳар бири замиридаги маъноларни шарҳлаб алоҳида-алоҳида мақолалар ёзса арзийди, шундай эмасми? Масалан, бошига бирон мусибат тушган миллатдошига таскин бериш мақсадида сўз қадрини билган ҳар бир ўзбек «Начора, кўргилик экан, сабр қилинг, бандалик» дейди. Биргина шу гапдаги «кўргилик» сўзида ифодаланган олам-олам маъноларни кўнгилдагидай шарҳлаб-тушунтиролмай лол қоласиз, худо ҳаққи. Зотан уларни ҳар бир ўзбек ўзича ҳис қилиб, ўзича англайди.

Лекин мен ўзимча «кўр» ўзагига қурилган сўзларнинг энг пурмаъноси «кўролмайди» бўлса керак деб ўйлайман. Бу сўз замиридаги маънолар айниқса бир пурҳикмат мақолда қўлланилганида нисбатан яққолроқ англашилади. «Йўқ бўлсанг — беролмайди, бор бўлсанг — кўролмайди». Нима десангиз денг, бу жаҳон айвонида фақат ўзбеккина ярата оладиган, чинакамига ўзбекона мақол бу! Зотан мазкур мақолда айниқса ўзбек халқига хос бўлган энг ярамас иллатлардан бири қатрада қуёш акс этганидек аён кўриниб турибди. Ахир, борни йўқ деб тасаввур қилиш, борни йўққа чиқариш, борни агар у туя бўлса ҳам, кўрмаслик, ўзини кўриб кўрмаганга олиш, чилласи чироқ кўрмаган кўнгил кўзи юмуқ ва бахил кимсаларга хос ўтакетган басирлик... Хуллас, кўролмаслик касали — бу энг расво иллат халқимизнинг узоқ асрлик тарихида уни озмунча қақшатганми?! Ҳалқимиз тарихидаги барча машъум кўргиликларнинг туб илдизи, агар чуқурроқ текшириб қарасангиз, айрим бахил кимсалар — ўзингдан чиққан балолар қалбида авж олган кўролмаслик иллатига бориб тақалади. «Ўзингники ўзагингни ўяди» деган ҳар бир сўзи чинакамига пурҳикмат мақолни ҳам бу жафокаш ўзбек аввал-бошда қон қақшаб яратган бўлса эҳтимол. Буёғини сўрасангиз, «олтинчи бармоқ» деган ибора жаҳондаги ҳеч бир тилда ўзбек тилидагидек машҳур эмаслиги ҳам бежизмасдир? Балки буюк шоиримиз Алишер Навоий ўзи мансуб элнинг феълидаги айни шу ярамас иллатдан юраги ўртаниб, гоҳо ўз халқидан ҳафсаласи пир бўлиб қуйидаги шоҳбайтни битгандир: «Шу ярамасни деб Ҳаққа деса бўлмас: «Мен учун бошқа бир халқ ярат». Балки буюк Чўлпонимизнинг падари бузруквори Сулаймонқул баззоз ўз ғазалларини «Расво» деган антиқа тахаллус билан битар экан, бу элнинг феълидаги энг расвойи радди бало иллатга қарши исён кўтариб, «сен расво бўлгунча мана мен расво бўла қолай» деб ўзига хос балогардонлик қилишга урингандир? Балки қаҳрамон шоиримизнинг «Фақат ўсма, улғайма фақат, хато қилишингни кутарлар. Хато қилсанг уларга байрам, йўқса заҳар-заққум ютарлар. Майли жиндак зарра бўлса ҳам, хато қилишингни кутарлар» қабилидаги ўтли сатрлари ана ўша кўролмас кимсаларнинг «ичидаги оласи»га отилган шеърий ўқлардир?...

Пурҳикмат тилимизда «кўр» ўзагига қурилган яна бир пурмаъно сўз бўлиб, бу «кўргазма»дир. Мазкур сўз фақатгина «кўз-кўз» қилинадиган жой, яъни русча-байналмилал атама билан айтганда, «виставка» ва ё «кўрга ҳасса» маъноларинигина эмас, уларнинг батамом зидди ҳисобланувчи «бети қурсин», «юзи тескари бўлсин», «кўрмасин», «кўролмасга кўрсата кўрма» қабилидаги истакми, тилакми, илтимосми, тавалломи — ҳаммасини ифодалай олади. Мазкур мўъжаз мақоланинг мантиқий якуни ҳам шундай тавалло: Илоё мустақиллик йиллари ва йўлларидаги изчил қадамларимизга кўз тегмасин! Илоё бу йўлдаги ютуқларимизни кўролмайдиганларнинг бети қурсин! Йўқ бўлсанг — беролмайдиган, бор бўлсанг — кўролмайдиган бахил кимсаларнинг даври-давронларини энди ҳеч қачон кўрмайлик ҳам, куймайлик ҳам! Бундай ўзингдан чиққан балоларни энди худо кўрсатмасин!

**ОТАУЛИ**



# ҲИКМАТЛАР

Дунёда одамгарчиликни билмайдиган арбобдан мадад кутиб, умрингни зое ўтказма.

**А. БЕДИЛ**

* * *

Ҳеч кимни ёқтирмайдиган киши, ҳеч кимга ёқмайдиган кишидан бахтсизроқдир.

**Ф. ЛАРОШУФКО**

* * *

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,
Гар мен одам ўлсам — ушбу басдир.

**Алишер НАВОИЙ**

* * *

Воқеалардан ҳам кўра одамлар ҳақида кўпроқ сўзлаш керак. Ҳаммадан муҳими — одамлар.

**Ю. ФУЧИК**

* * *

Дўст учун жонингни фидо айлагин,
Аммо душман киму, дўст ким, сайлагин!

* * *

Дўстига агар қўшилса дўст-ёр!
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор,
Орзу ва умед калиди дўст-ёр,
Ишрат била айши бўлди пойдор.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ**

* * *

Ҳамма нарсада мен билан келишаверадиган, бошини силкитиб, мен билан имо-ишора қилиб турадиган дўст менга керак эмас.

**ПЛУТАРХ**

* * *

Қўрқоқ дўст душмандан хавфлидир, чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстга ишонасан.

**Л. ТОЛСТОЙ**

# ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Афанди жаҳлини чиқаргани учун хотинини бир шапалоқ урибди. Уйга келган қайнонаси қизидан сўрайди:

— Юзингга нима бўлди?

— Сигир сузиб юборди.

Бу гапни эшитиб турган Афанди чидай олмай, дейди:

— Ҳеч бўлмаса ҳўкиз сузди демайсанми, аҳмоқ!

* * *

Афандининг ўғли илтимос қилди:

— Отажон, янги модадаги туфли чиқибди, олиб беринг.

— Бир-икки ойда барибир йиртилади, эскисини киявер.

— Икки ой эмас, икки йил кияман, мана кўрасиз.

— Оёғингга эмас, қўлингга кийсанг икки йилга етади.

* * *

Хотин эридан сўрайди:

— Кеча қаерда эдингиз?

— Ёлғон! Ким айтди сенга?

* * *

Ота кичкина ўғлига танбеҳ берди:

— Гугурт ўйнаш мумкин эмас деб неча марта айтганман сенга.

— Ўйнаётганим йўқ, сигаретимни тутатмоқчиман, холос.

* * *

— Отам ҳамиша олмоқдан кўра бермоқ афзал дейди.

— Нима, отанг руҳонийми?

— Йўқ, у боксчи.

* * *

— Туғилган кунингга нима совға қилай, ўғлим?

— Қўшиқлар ёзилган кассета!

— Сенга қандай қўшиқлар ёқишини билмайман-ку.

— Олдин эшитиб кўринг, сизга ёқмаганлари менга ёқади.

* * *

— Ҳой болакай, бунақа сўкинишни ким ўргатди сенга?

— Ким ўргатди эмиш. Нима, одамда туғма қобилият бўлмайдими?

# БУ — ҚИЗИҚ!

Бир замонлар Англияда аёлларнинг муҳаббат изҳор этишлари одат бўлган эди. XVIII аср охирларида тарқалган бу одатга кўра, кабиса йилининг охирги (милодий 29 февраль) куни инглиз қиз ўз севгилисига кўнглини очиши мумкин бўлган ва шу куни бундай дил изҳори уят саналмаган. Ўша вақтлардан буён 29 февраль инглизларда «аёлларнинг журъат куни» деб аталади. Аёл муҳаббат изҳор этганда эркак руҳиятига қандай таъсир қиларкин? Ҳар хил. Масалан, 90 фоиз эркаклар «ишнинг осон кўчганидан» хурсанд ва бахтиёр бўлганлар. Албатта, ҳатто ўша замонларда ҳам муҳаббатни рад этган эркаклар топилган. Бундай эркаклар севги изҳор этган аёлларга рамзий маънода бир фунт стерлинг ва битта шойи кўйлак совға қилишган.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**
**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0356. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**
**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

*Босишга топширилди — 21.25*
*Босишга топшириш вақти— 21.00*

1 2 3 4 5 6

